

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ

Шерматов Муроджон Абдумутал ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби таянч докторанти

+ 99890 274 77 86

murodjonlawyer0107@gmail.com

Ҳозирги кунда айниқса суд тизимида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар доирасини аниқлаш юзасидан кўплаб баҳс-мунозаралар мавжуд. Чунки, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда жамоатчилик назорати субъектлари сифатида - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган бўлсада¹, бироқ, ушбу Қонуннинг 2-моддаси билан судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш аълоҳида қонунчилик билан тартибга солиниши кўрсатилган.

Шундай бўлсада, ҳозирги кунда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлари фаолияти бўйича бир қанча баҳс мунозаралар мавжуд. Жумладан, А.Отажонов жамоатчилик назорати муайян давлатда истиқомат қилувчи фуқаролар ва жамоатчилик манфаатларига қаратилишини инобатга олиб фақат муайян давлатнинг фуқароларини жамоатчилик назорати субъекти сифатида келтириб ўтади². И.О.Сквирский жамоатчилик назорати субъектлари фақат муайян давлатнинг фуқароси бўлибгина қолмасдан, балки унга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киритилиши лозимлигини таъкидлайди³. Бизнингча А.Отажоновнинг қарашлари бироз мунозарали ҳисобланади. Масалан, судларда жамоатчилик назорати субъектлари сифатида ҳар қандай манфаатдор шахсни эътироф этиш мумкин. Чунки, одил судловни амалга ошириш жараёнида процесс иштирокчиси бўлмаган ҳар қандай шахсларнинг очиқ суд мажлисларида иштирок этиши, сўз эркинлигининг кафолатлари белгиланган. Бу ўз навбатида суднинг фаолияти юзасидан ҳар қандай шахснинг ўз фикрлари эркин баён этиш имкониятини

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси, <https://lex.uz/docs/3679092>

² Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. Б. 278.

³ Сквирский И.О. Понятие и основные признаки общественного контроля в современной административно-правовой доктрине Украины // Административное право и процесс. – 2013. – №4. – С. 65-66

яротиб беради. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай шахс судларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Мазкур ҳуқуқ ва кафолатлар судларда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар доирасини кенгайтириб, унинг ўзига хос хусусиятини намоён этади.

О.С.Соколова эса, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти бўлиши мумкин эмас, чунки улар ахборот тарқатиш воситаси ҳисобланади холос деган фикрни билдиради⁴. М.С.Крицкая эса давлат оммавий ахборот воситалари ва давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштирилдиган оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик назорати субъекти деб ҳисоблаб бўлмаслигини қайд этади⁵. Мазкур қарашлар баҳсли ҳисобланади, чунки оммавий ахборот воситалари нафақат судлар фаолиятини ёритиб боради, балки журналистик текширувини ўтказиш, муайян муаммони оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш, фуқароларнинг судларга оид мурожаатларини ҳал қилишга кўмаклашиш каби фаолиятни ҳам амалга оширади. Шу нуқтаи назардан, оммавий ахборот воситаларининг бундай фаолияти давлат органларига нисбатан тескари алоқани ўрнатиб, ахборотга нисбатан жамоатчиликнинг муносабатини шакллантиради. Шунингдек, назорат объекти фаолиятининг қонунийлиги ва асослигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида қонун бузилиши ҳолатларини жамоатчиликка намоёиш қилади, бундай ҳолатларга нисбатан жамоатчиликнинг муросасиз муносабатини шакллантиради. Шу боис, уларни жамоатчилик назорати субъекти сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ю.А.Нисневич жамоатчилик назорати субъекти доирасига барча фуқаролар ва фуқаролик жамиятининг институционал тузилмаларини киритади⁶. Мазкур илмий қарашлар ҳам биров баҳсли ҳисобланади. Хусусан, фуқаролар деганда асосан бир давлатнинг фуқаролигини олган жисмоний шахс тушунилади. Зеро, ҳар қандай шахслар қонунда белгиланган тартибда судлар фаолияти ўстидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин. Шу нуқтаи назардан, фақат фуқаролар эмас, балки барча шахслар жамоатчилик назорати субъекти бўлиши мумкин. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларига жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар ҳаракатлари, экологик ҳаракат, турли жамғармалар, уюшмалар киради. Хусусан, Конституциямизнинг XIII бобида Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари

⁴ Соколова О.С. Правовое регулирование участия граждан в общественном контроле // Административное и муниципальное право. – 2015. – № 2. – С. 61-63.

⁵ Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

⁶ Ю.А.Нисневич, Открытость, прозрачность и подотчетность государственного управления профессор, доктор политических наук, профессор ГУ-ВШЭ и РУДН

фуқаролик жамияти институтлари сифатида эътироф этилган⁷. Демак, фуқаролик жамияти институтлари жамоат бирлашмалари сифатида жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади. Судлар фаолиятида ҳам барча фуқаролик жамияти институтларини назорат субъекти сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки, судларга жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб фуқаролик жамияти институтлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари судларда иштирок этиши, судларга оид масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитувчи, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасида иштирок этиши мумкин. Жумладан, улар судларнинг ўз фаолияти тўғрисида тегишли очиқ давра суҳбатлари ва брифинглар ўтказилишида иштирок этиши, судлар фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровлар ўтказиши, судларга сўровлар юбориши мумкин.

Бундан ташқари, А.Б.Дидикин жамоатчилик назорати субъектлари қаторига инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилларни ҳам киритиш лозимлигини таъкид қилади⁸. А.Отажонов эса мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Бола ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг ваколатлари ва ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатларида аниқ белгиланганлиги ҳамда улар тегишли давлат органи томонидан лавозимга тайинланишини инобатга олиб, жамоатчилик назорати субъектлари қаторига киритишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди⁹. Бизнингча ҳам, мазкур масалага субъектларнинг мақоми, вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати берилган¹⁰. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига ҳам давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя

⁷ Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. "Lesson press". 2020. –278 б. Б. 12.

⁸ Дидикин А.Б. Правовые формы участия граждан в общественном контроле // Гражданское общество в России и за рубежом. – 2015. – № 1. – С. 122-127.

⁹ "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-440-сонли Қонуни. <https://lex.uz/acts/3321352>

¹⁰ "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ- 669-II-сонли Қонуни. <https://lex.uz/acts/276159>

этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган. Уларни лавозимга сайлаш ёки тайинлаш тартиблари ҳам бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Шу сабабли мазкур субъектларни давлат назоратини амалга оширувчи субъект сифатида эътироф этиш тўғри бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни, УРЛ // <https://lex.uz/docs/3679092>
2. Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. Б. 278.
3. Сквирский И.О. Понятие и основные признаки общественного контроля в современной административно-правовой доктрине Украины // Административное право и процесс. – 2013. – №4. – С. 65-66
4. Соколова О.С. Правовое регулирование участия граждан в общественном контроле // Административное и муниципальное право. – 2015. – № 2. – С. 61-63.
5. Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.
6. Ю.А.Нисневич, Открытость, прозрачность и подотчетность государственного управления профессор, доктор политических наук, профессор ГУ-ВШЭ и РУДН
7. Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. –278 б. Б. 12.
8. Дидикин А.Б. Правовые формы участия граждан в общественном контроле // Гражданское общество в России и за рубежом. – 2015. – № 1. – С. 122-127.
9. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-440-сонли Қонуни. <https://lex.uz/acts/3321352>
10. “Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ- 669-II-сонли Қонуни. <https://lex.uz/acts/276159>